



ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

А.А. Хамдамов

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси профессори,
юридик фанлар доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7246831>

ARTICLE INFO

Received: 5th October 2022
Accepted: 15th October 2022
Online: 25th October 2022

KEY WORDS

Терроризм, экстремизм, ахборот, тадбир, қонун, жисмоний шахс, давлат, миграция, одам савдоси, жиноят.

ABSTRACT

Ушбу мақолада терроризмга қарши курашнинг долзарблиги, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунига кўра ваколатли давлат органларининг терроризмни фош этиш билан боғлиқ ваколатларини кўриб чиқиш, бу билан боғлиқ норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, амалдаги тезкор-қидирув тадбирларини такомиллаштириш, терроризмнинг ахборот коммуникация технологиялари ва интернет воситасида содир этилаётганлигини инобатга олиб, ушбу тадбирларни такомиллаштириш билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалар илгари сурилган.

Бугунги кунда экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари диний ақидалар ниқоби остида ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оилавий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатишни давом эттирмоқда. Буларнинг барчаси фуқароларни экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафига жалб қилиш учун шарт-шароит яратишга хизмат қилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу муносабат билан, экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва чек қўйиш ҳамда уларни молиялаштириш манбалари ва каналларига барҳам

беришга қаратилган янада самарали чора-тадбирларни белгилаш, бу борада миллий ва халқаро даражада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади[1].

Шу сабабли, терроризмнинг олдини олиш борасидаги ишларни самарали ташкил этиш учун унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, мавжуд куч ва воситаларни самарали бошқариш, ички ишлар органлари тегишли соҳавий хизматларини зарур замонавий техник воситалар билан таъминлаш ва ҳамкорликларини янги босқичга кўтариш муҳим аҳамият касб этмоқда.



Шу билан бирга, бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда[2].

Жиноятчиликнинг олдини олиш комплекс чора-тадбирлар ўтказилишини тақозо этади. Шундай экан, жиноятчиликнинг олдини олишда атрофлича ва чуқур илмий асосларга эга ҳамда давлат органлар ва жамоат ташкилотларининг ўзаро мувофиқлаштирилган, режали тадбирларни амалга оширмақ лозим[3]. Шунингдек, айтиш мумкинки, жиноятларни ўз вақтида ва тўла қош этиш келгусида бошқа жиноятларни олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунинг 5-моддасига (Террорчилик фаолиятининг олдини олиш) мувофиқ, террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 8-моддасига асосан (Терроризмга қарши кураш бўйича давлат органлари) терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат

хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган бўлиб, Қонунинг 9-14¹-моддаларида мазкур органларнинг терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган[4].

Мазкур Қонунга мувофиқ, терроризмга қарши курашувчи давлат органларининг ваколатларини ўрганиш давомида, уларнинг ҳеч бирига терроризмни қош этиш ваколоти юклатилмаганлиги ҳамда Қонун мазмунида терроризмга қарши курашишда террорчилик фаолиятини қош этиш билан боғлиқ нормалар мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин.

Ваҳоланки, терроризмга қарши курашиш деганда, нафақат террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш, балки уни қош этиш масаласи ушбу тизимдаги ўзаро алоқадорликда бўлган элементларнинг муҳимларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, айрим хорижий давлатларнинг терроризмга қарши курашишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлил қилинганда, уларнинг аксариятида терроризмни қош этиш билан боғлиқ айрим нормалар акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Россия Федерациясининг 2006 йил 6 мартдаги “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни



ўрганилганда, унинг 11-моддасида (контртеррористик операциянинг ҳуқуқий режими), террорчилик ҳаракатини бартараф этиш ва фош этиш, унинг оқибатларини камайтириш, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётини муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, мазкур Федерал қонунинг 12-моддаси, 2-қисмига асосан мансабдор шахс томонидан белгиланган ҳудудда контртеррористик операцияни ўтказиш учун контртеррористик операциянинг ҳуқуқий режимини жорий этиши мумкинлиги кўрсатилган[5].

Шунингдек, Қирғизистон Республикасининг 2006 йил 8 ноябрдаги “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунинг 1-моддасида (Асосий тушунчалар) “терроризмга қарши курашиш - ...давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилот ва муассасаларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар, террорчилик ҳаракатларини аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш, фош этиш ва тергов қилиш фаолияти...”, деб белгиланган[6]. Шунга ўхшаш нормалар башқа давлатларнинг ҳам терроризмга қарши курашишга қаратилган қонунларида мавжуд.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунинг 4-моддасида (Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари) терроризмга қарши кураш ошкора ва ноошкора усулларининг уйғунлиги асосий принципларидан бири сифатида белгиланиб, Қонунда принципларнинг

моҳиятини акс эттирувчи нормалар мавжуд эмас.

Ошкора ва ноошкора усуллардан фойдаланиш жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи ваколатли давлат органлари томонидан олдиға қўйилган вазибаларни ҳал этишда қонун билан руҳсат берилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ фаолиятда қўлланилади. Улардан уйғунликда фойдаланиш эса, қўйилган вазибаларни самарали бажарилишига хизмат қилади. Бу каби принцип Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида (Ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлиги принципи) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ошкора ва ноошкора усуллардан фойдаланиши, бундай усулларнинг алоҳида хусусияти ушбу фаолиятнинг шарт-шароитлари билан белгиланиши кўрсатилган.

Шу маънода, терроризмга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи орган - Давлат хавфсизлик хизматиға террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш билан бир қаторда терроризмни фош этиш ваколатининг Қонунда аниқ белгиланиши мақсадға мувофиқ. Чунки, ушбу Қонуннинг 8-моддасида, терроризмга қарши курашишда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат



қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилиши белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддаси, 4-қисмида (Жиноят ишининг терговга тегишлилиги) Жиноят кодексининг [150-163](#), [182](#), [223](#), [246-моддаларида](#) назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов давлат хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилиши кўратилган[7].

Терроризмни олдини олишда ички ишлар органларини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишларини юритиш муҳим аҳамият касб этиб, бу тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунинг 18-моддасида (Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритиш) белгиланган.

Ахборот билан таъминлаш ўзида кўп қиррали ҳуқуқий, ташкилий, методик ва техник тавсифларни мужассамлаштирган тезкор ва криминалистик таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминашда асосий эътиборни криминалистик ва тезкор-қидирув ҳисобларини шакллантиришга ҳамда уларни юритишга қаратиш лозим.

Ахборот тизими деганда, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари тушунилади[8].

Тезкор-қидирув иш юритуви ишлари деганда тезкор қизиқиш уйғотувчи шахс ва фактлар ҳақидаги маълумотларга, ҳужжатларни, тезкор-қидирув фаолияти вазибаларини бажариш мақсадида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари, шартлари, режалари, ташкил этилиши, амалиёти ва натижаларини акс эттирадиган маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тизимлаштириш учун мўлжалланган махсус ахборот жамланмалари тушунилади[9].

Айни вақтда, терроризмга алоқадор маълумотларнинг аксарияти ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон шаклда эканлигини ҳисобга олиб, бу турдаги маълумотларни олишга ва қайд этишга мўлжалланган тезкор-қидирув тадбирларини такомиллаштириш заруратини вужудга келтирмоқда.

Бу борадаги амалиёт Россия Федерациясида мавжуд бўлиб, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари айрим тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда алоқа соҳасида хизмат кўрсатувчи жисмоний ёки юридик шахсларнинг алоқа каналларидан бевосита зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга ҳисобланиб, унинг тартиби Россия Федерациясининг 1995 йил 12 августда қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Федерал қонунининг 6-моддасида (Тезкор-қидирув тадбирлари) ёритилган[10].

Айтиш жоизки, тезкор бўлинмалар томонидан терроризмни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишдан мақсад олинган тезкор маълумотларни



ўрганиш ва далилларни топишга қаратилган.

Айниқса, бугунги кунда терроризм ва у билан боғлиқ жиноятларни содир этишда террорчилик ташкилотлари ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланаётганлигини эътиборга олсак, тезкор бўлинмаларнинг «электрон даллил»ларни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Бу йўналишдаги тезкор-қидирув тадбирларини ривожлантиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиб, «компьютер маълумотларини олиш» ёки «овоз назорати» каби тезкор тадбирларнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини шакллантириш ва тезкор бўлинмалар фаолиятига кенг жорий этиш орқали жиноятларни, хусусан терроризмни олдини олиш самарадорлигини ошириш мумкин.

Жумладан, Россия Федерациясининг 1995 йил 12 августда қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Федерал қонунининг 6-моддасига (Тезкор-қидирув тадбирлари) 2016 йил 6 июлдаги 374-сон Федерал қонунига асосан қўшимча қилиниб, «Компьютер маълумотларини олиш» номли тезкор-қидирув тадбири алоҳида белгиланди.

Ушбу Қонунга кўра, «Компьютер маълумотларини олиш» – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун компьютер ёки компьютерлар тармоқлар, шунингдек турли машинали ахборот ташувчиларида айланаётган маълумотларни олиш ва уларни қайд

этишга қаратилган тезкор-техник тадбири ҳисобланади.

Қонунчиликка киритилган бундай заруратнинг сабаби шуки, глобал компьютер тармоқларидан фойдаланиб криминал тавсифдаги маълумотларни тарқатиш ҳажми ва ундан фойдаланувчиларнинг сони кун сайин ошганлиги сабаб бўлган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, интернет жаҳон ахборот тармоғининг «najot.info» ва «hizb-uzbekiston.info» веб-сайтлари ҳамда «Facebook», «Youtube» ва «Telegram» ахборот ресурслари ва ижтимоий тармоқлардаги куйидаги 40 номдаги профиль, канал ва саҳифалари экстремистик ва террорчилик ташкилотлар деб топилди:

Жумладан, «Абу Салоҳ дасрликлари»; «Жаннат ошиқлари»; «Шом овози»; «Тавҳид ва жиҳод»; «Islam abu Khalil»; «Полвон Новқатлик»; «Соҳиб Махмудов»; «Фаррухбек Абдуллаев»; «Мамараҳимов Абдурахим Миркомилович»; «Мухожир Полвон»; «Abu Aisha»; «Turkiston»; «Хуррият инфо»; «Нажот»; «ал-Ваъй»; «Роя»; «Usulul fiqh»; «Mustalahul hadis»; «Darslardan qisqa lavhalar»; «Fiqh ahkomlari»; «Tavhid darsi»; «Qiyomatdan avvalgi fitnalar»; «Savol va javoblar»; «Foida Mp3»; «Foida va qoidalar»; «Tafsir darslari»; «Talbisu iblis darslari»; «Islomni buzuvchi amallar darslari»; «Namoz va benamozga taluqli masalalar»; «Ayollar darslari silsilasi»; «Adiyda darslari»; «Silsilaviy darslar va ma'ruzalar»; «Muhim darslar»; «Aqiyatul vositiya»; «Mustalahul hadis»; «Alfath»; «Nalabalar uchun darslar»; «АЛЪ-ФАТҲ ТВ»; «ДАЪВАТ UZ»; «HIDOYAT TV»[11].



Шунингдек, Беларусь Республикасининг 2015 йил 15 июлда қабул қилинган янги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасида (Тезкор-қидирув тадбирлари) «овоз назорати» алоҳида тезкор-қидирув тадбири сифатида белгиланган.

Ушбу Қонунга кўра, «Овоз назорати» – тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал этиш учун бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа жойларда акустик маълумотларни олиш ва қайд этиш мақсадида ўтказилган тезкор-қидирув тадбири ҳисобланади.

Мазкур тадбир тезкор бўлинмаларнинг амалий фаолиятида унинг содда кўриниши, яъни диктофон ёки турли овоз ёзиш воситаларидан фойдаланиб амалга оширилишига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида тезкор-қидирув тадбири сифатида белгиланмаган.

Шу сабабли, «овоз назорати» тезкор-қидирув тадбирини ушбу Қонунга алоҳида тезкор-қидирув тадбири сифатида киритиш ва унинг ҳуқуқий таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, терроризмни олдини олишга қаратилган фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу фаолиятни тартибга солувчи

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва тезкор-қидирув тадбирларини замон талабларига мос равишда ривожлантиришни тақозо этганлиги сабабли қуйидагилар таклиф этилмоқда:

– Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши курашиш тўғрисида»ги 9-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари) 1-хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш *«террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, фош этиш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, шу жумладан халқаро терроризмга қарши курашни амалга оширади»;*

– Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунинг 14-моддасига (Тезкор-қидирув тадбирларининг турлари) «овоз назорати» номли тезкор-қидирув тадбирини алоҳида битта тури сифатида киритиш;

– Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали турли веб-сайтлар, ахборот ресурслари ва ижтимоий тармоқларда террорчилик ва экстремистик ташкилотлари томонидан тарқатилаётган ғоялар, улар воситасида содир этилаётган жиноятларга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

References:

1. <https://lex.uz/docs/5491626>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги «2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ўзбекистон республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6255-сон Фармони.
2. <https://www.lex.uz>



3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси.
4. Бекмуродов Н.Н. Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритиш хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. – 2019. – №3. Б.91.
5. <https://rg.ru/2006/03/10/borba-terrorizm.html>
6. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/1971/90?mode=tekst>
7. <https://www.lex.uz>
8. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси.
9. Бекмуродов Н.Н. Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритиш хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. – 2019. – №3. Б.91.
10. <http://telegram.me/jointchat/AAAAAEwNAOX1YLm1ovlqcg>.
11. <https://helpiks.org/6-2902.html>